



Научный вестник Бухарского государственного университета \* Scientific reports of Bukhara state University



BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI

ISSN 2181-6875

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

## 2/2018



2000-YILDAN  
CHOP  
ETILMOQDA

BIR YILDA TO'RT  
MARTA CHOP  
ETILADI

**2018/2(70)**

**TAHRIR KENGASHI RAISI:**

**To'laganov A.A.**  
*texnika fanlari doktori, professor*

**BOSH MUHARRIR:**

**Samiyev K.A.**  
*texnika fanlari nomzodi*

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Adizov B.R.**  
*pedagogika fanlari doktori, professor  
(bosh muharrir o'rinbosari)*

**Amonov M.R.**  
*texnika fanlari doktori, professor*

**Axmedova Sh.N.**  
*filologiya fanlari doktori, professor*

**Akobirov F.R.**  
*filologiya fanlari doktori*

**Barotov Sh.R.**  
*psixologiya fanlari doktori, professor*

**Baqoyeva M.Q.**  
*filologiya fanlari doktori*

**Bo'riyev S.B.**  
*biologiya fanlari doktori, professor*

**Bushuy T.A.**  
*filologiya fanlari doktori, professor*

**Djurayev D.R.**  
*fiz.-mat. fanlari doktori, professor*

**Durdiyev D.Q.**  
*fiz.-mat. fanlari doktori, professor*

**Hayitov Sh.A.**  
*tarix fanlari doktori, professor*

**Ikromov I.A.**  
*fiz.-mat. fanlari doktori, professor*

**Mirzayev Sh.M.**  
*texnika fanlari doktori, professor*

**Muhiddinov B.F.**  
*kimyo fanlari doktori, professor*

**Ostonov S.H.**  
*fiz.-mat. fanlari doktori, professor*

**Olimov Sh.Sh.**  
*pedagogika fanlari doktori*

**Qahhorov S.Q.**  
*pedagogika fanlari doktori, professor*

**Quvvatova D.H.**  
*filologiya fanlari doktori*

**Rajabov Q.K.**  
*tarix fanlari doktori, professor*

**Roziqov O'.A.**  
*fiz.-mat. fanlari doktori, professor*

**Sadullayev N.N.**  
*texnika fanlari doktori*

**Umarov B.B.**  
*kimyo fanlari doktori, professor*

**O'rayeva D.S.**  
*filologiya fanlari doktori, professor*

**BOSH MUHARRIR O'RINBOSARLARI:**

**Navro'z-zoda B.N.**  
*iqtisod fanlari doktori, professor*

**To'rayev H.H.**  
*tarix fanlari doktori, professor*

**BUXORO DAVLAT  
UNIVERSITETI ILMIIY  
AXBOROTI**

\*\*\*

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК  
БУХАРСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА**

\*\*\*

**SCIENTIFIC REPORTS OF  
BUKHARA STATE UNIVERSITY**

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligi Buxoro viloyat matbuot va  
axborot boshqarmasida  
2016-yil 29-fevral  
№ 05-073-sonli guvohnoma bilan  
ro'yxatga olingan.*

*"Buxoro davlat universiteti ilmiy  
axboroti" jurnali Filologiya va Fizika-  
matematika fanlari bo'yicha O'zbekiston  
Respublikasi Vazirlar Mahkamasi  
huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining  
doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy  
natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy  
nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.*

*Jurnal Oliy o'quv yurtlarining  
professor-o'qituvchilari, katta ilmiy  
xodim-izlanuvchilar, talabalar, ilmiy  
tekshirish muassasalari ilmiy xodimlari,  
akademik litsey, kasb-hunar kollejlari  
o'qituvchilari hamda umumiy o'rta ta'lim  
va turli sohalarida xizmat qilayotgan  
ilmiy xodimlar uchun mo'ljallangan.*

**Muassis: Buxoro davlat  
universiteti**

**MAS'UL KOTIB  
Izomova M.K.**

**MUHARRIRLAR: To'xtayeva G.A.  
Temirova D.X.  
Voxidova N.N.**

**BO'LIM MUHARRIRI: Rajabova R.Z.  
BO'LIM MUSAHHIHI: Yuldasheva D.Sh.**



MUNDARIJA

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Джураев Д.Р., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э. Магнитооптические свойства феррита-граната  $t\text{Bo}_2\text{Y}_2\text{Sf}_{e_3}\text{O}_{12}$  вблизи температуры спинпереориентационного фазового перехода..... 2

Умаров С.Х., Халлоков Ф.К. Стационарные характеристики фотопроводимости монокристаллов  $\text{TlInS}_2$ ..... 6

Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шарипбаев Н.Ю., Мирзакаримов М.М., Узоков Ф.Г., Мирзаев Ж.И. Моделирование температурной зависимости осцилляций Шубникова-де ГаАза в полупроводниках..... 11

Рахимов У.Х., Собиров Ш.А. Исследование влияния высокотемпературной обработки на электрофизические свойства и параметры эпитаксиальных структур на основе GaAs..... 17

Дурдиев У.Д. Задача определения ядер из двумерной системы интегро-дифференциальных уравнений Максвелла..... 21

Рахмонов К.С., Исабаев И.Б., Атамуратова Т.И. Использование кормовых мучек в качестве субстрата питательной среды пшеничных заквасок в производстве хлеба..... 27

Куряев Ф.М. Задача типа геллерстедта для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа..... 33

Narziyev U.Z., Rajabov B.H. Dasturlanuvchi mantiqiy integral schema imkoniyatlarini boshqarish..... 40

Jalolova P.M., Abdulazizov B.T. Innovatsion texnologiyalar vositasida atom orbitalarini modellash tirish..... 44

Атауллаев Ш.Н., Фозилов С.Ф., Мавлонов Ш.Б., Фозилов Х.С. Исследование процесса деструктивной гидрогенизации деафальтизата тяжелых нефтей в присутствии никель-молибденовых катализаторов..... 48

Dopiyorov B.N. Vitaminlarning inson hayotidagi roli..... 53

Шамсиев Н.А., Атоева Р.О., Кенжаев О.Қ. Қорамол катта қорнидаги ҳазм жараёнига мис ва унинг катион табиатли антагонистларининг яқка ва қуш таъсири..... 57

• TILSHUNOSLIK

Бушуй Т.А. Возникновение языкового множества..... 62

Rafiqayeva Z.J., Miftazayeva F.R. Применение инновационных технологий на занятиях литературы..... 66

Назарова С.А. Сүз бирикмаларининг вазифаси ва янги атов бирикляри..... 70

Бабакулов И.Т. Об изучении систем слово-образовательных категорий (СК) имен существительных русского и узбекского языков..... 73

Мүминова А.А. Модаллик ва ундаш категорияси: ундаш категориясининг лингвистик мақоми..... 77

Одилова Г.К. Узбек, рус, инглиз гастрoномик олам миллий манзарасида "Нон" глоттонимининг ўрни..... 82

Маджидова Р.У. Социолнгвистический анализ фразеологических единиц..... 86

Абдурахманов Ф.И. Дистрибутивный метод в изучении лексико-семантических групп глаголов..... 90

Raxmatova M.M. Injilda "go'zallik" tushunchasi talqini..... 93

Ботирова А.Э. Сүз туркумларининг бирламчи ва иккиламчи вазифалари..... 97

Попов Д.В. Спорные вопросы периодизации русского литературного языка..... 102

G'ulomova Sh.Q. Evfemizmning o'rganilish tarixi va tasnifi..... 107

Kadirova N.A. Bichish-tikish hunariga oid o'zbekcha atamalarining inglizcha talqini xususida..... 112

Ортиқова Х.М. Тил – маданият кўзгуси..... 116

Сапарова М.Р. Бадиий таржимада персонажлар нутқини бериш муаммолари..... 119

Турдалиева Д.С. Лисоний имкониятларнинг бадиий воқеланиши..... 125

Хасанова О. Қ. "Дунёнинг ишлари" асари фонопоэтикаси (узбек ва немис тилларида)..... 129

Ro'ziyeva S.H. O'zbek tilshunosligida modellashtirishning o'ziga xos xususiyatlari..... 133

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ўрава Д.С. А.Қодирий романларида жаҳон романчилиги аъналарининг акс этиши..... 138

Қувватова Д.Х. Садриддин Айний ва узбек насри таракқиети..... 142

Рўзиева М.Ё. Халқ дostonларида оқ, қора, қизил ранглар рамзийлиги ҳақида..... 145

Бердиев Х.Х. «Девону луғотит турк» асаридаги шеърй парчаларда солицизм ҳодисаси..... 149

Тўхсанов Қ.Р. Жалолиддин Румийнинг "Маснавий маънавий" асарида аёл образи бадиий талқини..... 153

Давронова Ш.Ф. Тарихий воқелик тасвири: узбек ва жаҳон адабий аъналарининг бадиий синтези..... 159

Давронова М.И. Усмон Азим ижодида жанрлар масаласи ва унда услуб бирлиги..... 163

Мажидова С.Ж. Слова, обозначающие части тела, в газелях Джами..... 168

Темирова Дж.Х. Приемы и средства сатирической литературы XX века..... 173

Махмудова Н.С. Хитой адбаси Би Шумин ижодида инсон руҳиятининг ифодаланиши..... 177

Sayidova R.A., Sayidova L.A. She'riy matnda paradigmatic munosabalar..... 181

• NAVOIY GULSHANI

Эшонкулов Ҳ.П. Файр нақшидин ҳамул кул бирла пок этти сипехр..... 188

• FALSAFA VA HUQUQ

Абдуллаева Ф.Ш. Ўзбекистон ва БМТ: ҳамкорликнинг барқарор ривожланиш йўлида..... 191

Шоев И.Х. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан – мощный импульс для поступательного движения по пути реформирования и модернизации страны..... 194

Raxmatova M.M. Yoshlar ma'naviy salohiyatini yuksaltirishda o'zini-o'zi boshqarish organlarining o'рни va roli..... 198

Самадова С.С. "Ҳаракатлар стратегияси" ва миллатлараро тотувлик муаммолари..... 204

Turdiyev B.S. Ma'naviy yangilanish: yangi qaror va hayotbaxsh islohotlar strategiyasi..... 208

• TARIXSHUNOSLIK

Наврұзов С., Артиков Х. Вопросы государственного управления Хивинского ханства в востокоевческой литературе конца XIX - начала XX вв (историография проблемы)..... 214

Ўтаева Ф.Х. Мангит ҳукмдорларининг фаолияти ва шахсияти (уставиллик, шилтарма ва даврий матбуот талқини)..... 214

Хайитов Ж.Ш. XIX асар эъбири..... XX асар бошларида Тўхсанов ҳуш ишти равоқиллик тарқалиш тарқини..... 224

• ICHSODIY OT

Қаҳоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёнини самарали бошқаришга оид назарий ёндашувлар..... 230

• PEDAGOGIKA

Ақбаров А.А. Стратегии аргументации и вежливости для изучения языковой компетенции у студентов категории с1/с2, изучающих английский язык как второй иностранный язык..... 237

Ergashev M.Ya., Ochilova M.K. Umumiy kimyo fanida modde tizimida qo'llaniladigan testlar va ulardan foydalanish..... 244

Салимов Ф.М. 7-10 ёшли болалар жисмоний тарбиясида миллий харақатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари..... 248

Олимов Л.Я., Остонов Ж.Ш. Эксперт-психолог фаолиятида кифа ва визуал психодиагностиканинг аҳамияти..... 251

Qurbonova O'U. Abu Nasr Forobiyning "Fozil odamlar hahri" asarida ta'lim-tarbiya asallari..... 257

Ибрагимов М.Б. Бухоро вилояти футбол мактабнинг иш таҳлили..... 263

Ибрагимов А.К., Жабборов И.Б. Бошланғич тайёрлов гуруҳларида шуғулланувчи спортчиларнинг чаққонлик сифатларини ривожлантиришда харақатли ўйинларнинг ўрни..... 267

• SAN'ATSHUNOSLIK

Abdullayev Y.Z. Qadimiy va navqiron Buxoro me'morchiligi..... 271

Murodov Sh.K., Tashimov N.E., Mamurova D.I. Simmetriya tekisligiga ega bo'lgan ikki sirtning kesishish chizig'ini yasashning analitik usuli..... 274

Gulova A.A. Buxoro me'morchiligidagi minoralar va minorasimon qunilmalarining o'ziga xos jihatlari..... 278

• QUTLOV

Эргашов М.Я., Бекова Н.Ж. Собиров Тoлиб Рўзиевич қутлуг 60 ёшда..... 282

• XOTIRA

Рашидов Умар Жўраевич..... 284

• E'LON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналинда мақола эълон қилиш талаб ва шартлари..... 285-286



УДК 811.512.133

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯНГИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ  
 ФУНКЦИЯ СЛОВСОЧЕТАНИЙ И НОВЫЕ НОМИНАТИВНЫЕ ЕДИНИЦЫ  
 THE FUNCTION OF WORD COMBINATIONS AND NEW NOMINAL UNITS

Назарова Саида Ахмеджановна

БухДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

**Таянч сўзлар:** сўз бирикмаси, номинатив вазифа, номинатив бирлик, янги маъно ҳосил қилиш, атов бирлиги, янги сўз ва сўз бирикмалари, синтактик алоқа, лисоний синтактик қолип, ижтимоий тармоқ, интернет тили.

**Ключевые слова:** словосочетание, номинативная функция, номинативная единица, образование нового слова, новые слова и словосочетания, синтаксическая связь, синтаксическая модель языка, социальная сеть, язык интернета.

**Key words:** word combination, nominal function, nominal unit, new meaning formation, new words and word combinations, linguistic syntactic frame, syntactic relationship, social net, the language of the Internet.

*Мазкур мақолада сўз бирикмаларининг аташ, номлаш вазифаси ва унинг ижтимоий тармоқлар тилидаги янги атов бирликларининг шаклланишига алоқадорлиги масаласи таҳлил қилинган.*

*В статье анализируются вопрос о номинативной функции словосочетаний и её связь с процессом формирования новых номинативных единиц в языке социальных сетей.*

*The problem of the naming of word combinations, nominal function and its connection with the formation of new nominal units in the language of social nets have been analyzed in this article.*

**Кириш.** Тилшунослиқда сўз бирикмаси синтактик бирликнинг бир тури сифатида ҳар томонлама ўрганилган ва сўз бирикмаси синтаксисини шакллантирган турли илмий асослар мавжуд. Жумладан, ўзбек тилшунослигида илмий тадқиқнинг формал, структурал ва субстанциал йўналишларида сўз бирикмасининг нутқий, структурал, лисоний ва услубий жиҳатлари тадқиқ этилиб, сўз бирикмаси синтактик назариясини юзага келтирган [7, 6, 8, 2, 3, 4, 5].

Сўз бирикмаси нутқ воқелигида луғавий бирлик(сўз, лексема)ларнинг тобе-ҳокимлик муносабати асосида юзага келиши хусусида деярли барча илмий қарашларда яқдилона хулосага келинган. Сўзларнинг ҳар қандай бирикмаси сўз бирикмаси ҳисобланмаслиги ҳам инobatга олинган[8, 6, 5, 4, 2]. Негаки, сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ луғавий бирликларнинг мазмунан муносабатга киришуви ва морфологик жиҳатдан мувофиқлашувидан иборат синтактик қурилмадир. Бу синтактик қурилма аташ, номлаш вазифаси билан сўзга яқин туради. Сўзга хос борлиқдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, белгини номлаш ва тushuncha ифодалаш хусусияти нутқий жараёнда сўз бирикмаси кўринишларида ҳам юзага чиқиши мумкин. Сўз бирикмаси борлиқдаги барча – нарса-ҳодиса, мавжудот орасидаги турли муносабатлар (объект ва ҳаракат, субъект ва объект, белги ва ҳаракат, белги ва объект, белги ва субъект)ни сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларида намоён этади[2].

Сўз бирикмаси у ёки бу луғавий бирликнинг бошқа шундай бирлик билан тобе-ҳокимлик муносабатидан ҳосил бўлар экан, тилимизда мавжуд бирикиш тарзи, усуллари ёхуд моделларидан бири воқелашганлигидан дарак беради. Демак, сўз бирикмаси ўз қурилишида тилнинг муайян синтактик қонуниятини акс эттирувчи бирлик сифатида нутқда реаллашади ва маълум вазифага хосланган бўлади. Айнан вазифасига кўра бу синтактик бирлик номинатив тизимга мансуб тил бирликлари сирасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бунга сабаб сўз бирикмасининг луғавий бирликлар – лексема, ибора сингари аташ ва номлашга хизмат қилишидир. Вазифаси ва қурилиши сўз бирикмаларига тил тизимида синтаксис ва лексикология, синтактик ва номинатив тизимлар орасидаги алоқадорликни



таъминлаш имконини беради. Шу боис, лексик-семантик ва синтактик хусусиятлар мазкур бирлик табиатида уйғунлашган бўлади.

Даставвал, сўз бирикмасининг лексик сатҳ бирликларига яқинлиги масаласини ойдинлаштириш лозим. Негаки, унинг лисоний моҳияти айти шу томондан ёндашилганда аниқлашади. Таъкидланганидек, сўз бирикмаси тил тизимида аташ ва номлаш вазифасини бажаради. Сўз бирикмаси таркибидаги луғавий бирликлар синтактик алоқага киришаётганда ўз маъно тузилмасида мавжуд маънолардан биринигина юзага чиқаради ва нутқий ҳосила маъносига сингиб кетади. Аммо, алоқага киргунга қадар бу луғавий бирликлар англалган маъно анчайин кенг ва умумий бўлиб, уларнинг алоҳида қўлланилишига етарлича имкон берса ҳам, луғавий бирлик англалган тушунча умумий ва мавҳум бўлади. Шунинг учун сўз ва сўз бирикмалари англалган тушунчалар қиёсланганда сўз умумий, мавҳум тушунчани, сўз бирикмаси эса аниқ ва тор тушунчани ифодалаши бежиз қайд қилинмайди [6, 9, 7, 8, 2, 3, 5].

Сўз бирикмаларининг номлаш вазифасига хос кузатишлар шуни кўрсатадики, сўнги вақтларда оммавий ахборот воситалари “тили”да, хусусан, ижтимоий тармоқ (интернет) саҳифаларида янги сўз бирикмалари пайдо бўлиб, кенг ва фаол қўлланмоқда.

Чунончи, *ақлли шаҳар, ақлли университет, ақлли қишлоқ, ақлли смартфон, ақлли телефон* каби атов бирликлари ўқувчи ва китобхон оммаси кўз ўнгида “янгилиги” билан гавдаланмоқда.

Биринчи навбатда, “Бу бирикмаларнинг “янгилиги” нимада ва улар қандай шаклланган?” деган савол туғилади.

Табиийки, мазкур атов бирликларининг юзага келиши жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларга боғлиқ. Ижтимоий онгдаги ўзгариш, шубҳасиз, тилда акс этади. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно-мазмуннинг англашилиши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, конкрет шароитидаги кайфияти каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади [1].

Тил эгаси лисоний онгида мавжуд тил захирасидан фойдаланар экан, нутқий коммуникатив жараёнда ҳар бир сўзловчи ўз тафаккурига мувофиқ тил бирликларини истифода этади. Мулоқотми ёки суҳбатми, ёзма ёхуд оғзаки нутқ бўладими қатъи назар, унда тил эгаси онгида шаклланган лисоний тафаккур тарзи ва лисоний қобилияти намоён бўлади.

Сўзловчи нутқида тилнинг ички бойиш манбалари сифатида мавжуд имкониятлари юзага чиқади. Чунончи, тилда янги сўзлар, яъни янги атов бирликлари лисоний деривация усуллари, жумладан, лексема маъно тузилмасидаги маънолар тараққиёти, шу билан бирга, сўз бирикмалари лисоний синтактик қурилиш қолип(ЛСК)ларининг нутқда воқеланиши натижасида ҳосил бўлади. Лексема маъно тузилмасидаги тараққиётни луғавий бирликларга хос семантик бирикувчанлик имкониятлари асосида сўз бирикмалари ҳосил қилинишида кузатиш мумкин.

FAYZBOG.UZ саҳифасида “Ўзбекистондаги биринчи “ақлли” шаҳар – Нурафшоннинг янги лойиҳаси тақдим этилди” сарлавҳаси остида берилган маълумотдаги далилга эътибор қаратамиз:

*Тошкент вилояти маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрининг лойиҳаси тақдим этилди. Шаҳар Ўзбекистондаги биринчи «ақлли» шаҳар бўлади, унда маъмурий бинолар, замонавий ва қулай турар жойлар, бизнес марказлар, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, ёшлар ижодиёт маркази, кутубхона, мактаблар, кўп тармоқли шифохона бунёд этилади.*

*Ақлли шаҳар бирикмаси ақлли сўзининг шаҳар сўзига тобеланиши асосида ҳосил бўлган. Ақлга эгаллик семаси бу лексеманинг фақат шахс номлари билан бирикиш имкониятини тилдаги маъновий бирикувчанлик, яъни семантик валентлик қонунияти таъминлаши маълум ҳодисадир. Аммо, бу лексеманинг нарса-буюм, бу ўринда эса макон номи билан бирикиши лисоний валентлик қонуниятига зид эканлигини тасдиқламоқда. Аслида ҳам шундайми? Бу нутқий ҳодиса лисоний валентлик қонуниятига номувофиқ юзага келганми? Юзаки қараганда, номувофиқлик, меъёрга зидлик бўлиб кўринган ҳодисада айтилган лексема маъно тузилмасида ўзгариш рўй берганлигини, тилнинг муайян лисоний имконияти воқелашганлигини пайқаш қийин эмас. Бошқача айтганда, лексема маъно*



тузилмаси таркибидаги муайян фикрлаш қобилияти, ақлий фаолиятга эгаллик хусусиятини ифодаловчи маънонинг кўчиши натижасида “фикрлайдиган, ақлий фаолият юритадиган” макон-жой тушунчасини англатувчи сўз бирикмаси – *ақлли шаҳар* вужудга келган.

Лексема ўз (тўғри, бош) маъноси асосида бундай тушунчани англата олмаслиги ва айна кўринишдаги ғайриоддий бирикмани ҳосил қилолмаслиги ва ўз-ўзидан, адабий тил меъёрий талабларига бўйсунуши илмий далилланган. Шунга қарамай, адабий тилнинг публицистик нутқ шаклида нафақат *ақлли шаҳар* бирикмаси, балки *ақлли маҳалла*, *ақлли уй*, *ақлли ҳокимият*, *ақлли тармоқлар*, *ақлли қурилмалар* каби сўз бирикмалари кўзга ташланмоқда. Чунончи:

1. KUN.UZ саҳифаси(10.01.2018)да берилган мақолада:

1.1. Сарлавҳада: *«Ақлли шаҳар»*, *«Ақлли маҳалла»*, *«Ақлли уй»* ва *«Ақлли ҳокимият»* концепциялари ишлаб чиқилади.

1.2. Мақола матнида: *Лойиҳада: ...«Ақлли шаҳар»*, *«Ақлли маҳалла»*, *«Ақлли уй»* ва *«Ақлли ҳокимият»* концепцияларини ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги саҳифаси(13.02.2018)даги хабарда:

2.1. Сарлавҳада: Япония *“Ақлли Цунасима”* мегаполисини барпо этмоқчи.

2.2. 2018 йилда Япониянинг Йокогама шаҳри яқинида *“Ақлли Цунасима”* мегаполиси барпо этилади.

2.3. Улар *“ақлли шаҳар”*нинг концепциясини тақдим қилишди. Тўғри, шаҳарда фантастик фильмлардаги каби учар таксилар бўлмайдди. Аммо жорий этиладиган технологияларнинг қиёси йўқ. Шаҳарнинг катта қисми савдо уйларига берилади. Марказда илмий-тадқиқот лабораториялари, Кейо университети талабалар кампуси, савдо-кўнгулочар даргоҳлар жойлашади.

3. KUN.UZ саҳифасида(28.02.2018)даги хабарда:

3.1. Сарлавҳада: *“Хавфсиз шаҳар”* йўналишида *Siemens* тажрибаси қандай?

3.2. Хусусан, транспорт логистикаси йўналишида ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс ечимини жорий қилиш, шаҳар инфратузилмаси ва транспорт хўжалигини эвакуация қилиш тизимини яратишда АКТдан фойдаланиш, шунингдек, электр тармоқларида *«ақлли тармоқлар»* (Смарт-Грид) технологиясидан фойдаланиш каби технологияларни амалга оширишда *Siemens* олға сураётган концепция тақдим қилинди.

4. Dayo.uz саҳифаси(28.02.2018)да берилган маълумотда:

4.1. Сарлавҳа: *Amazon «ақлли» эшик қўнғироқларини* ишлаб чиқарувчи *Ring* стартапини 1 миллиард долларга сотиб олди.

4.2. Бу орқали *Amazon* тез ривожланиб бораётган *«ақлли» қурилмалар* ва хавфсиз бошпана технологиясини таъминлаш бозоридаги ўз ўрнини сақлаб қолиш ниятида.

Юқорида келтирилган далилларда ақлли лексемаси тобе вазиятни эгаллаган ақлли маҳалла, ақлли уй, ақлли ҳокимият, ақлли тармоқлар, ақлли қурилмалар, ақлли Цунасима, ақлли эшик қўнғироқлари сингари сўз бирикмаси қурилишидаги янги атов бирликлари ўз ифодасини топган. Ҳоким вазиятда турдош отлар сирасига кирувчи макон-жой (маҳалла, уй, ҳокимият, Цунасима), нарса-буюм (қурилма, эшик қўнғироқлари) номлари воқелашганлиги ҳам бу бирликлар сўз бирикмалари эканлигини тасдиқлайди. Айна пайтда, бу нутқий ҳосилалар [И~О]=СБ ЛСҚ, яъни тобе аъзо мавқеидаги исмларнинг ҳоким аъзо мавқеини эгаллаган отларга боғланиши ва умумий [белги-предмет] маъно муносабатини англатувчи сўз бирикмаларининг лисоний қурилиш қолипи маҳсули ҳисобланади.

Тобе вазиятдаги исмларнинг ҳоким вазиятда турган отлар билан бирикиш тарзи ва мазкур бирикиш маҳсулини ўз моҳиятида мужассамлаштирган [И~О]=СБ ЛСҚи ўзбек тилида [белги-предмет] маъно муносабатини ифодаловчи сўз бирикмаларини юзага чиқаришга хизмат қилади ва синтактик сатҳда лисоний синтактик бирлик мавқеини эгаллайди[2]. Демак, исмлар сирасига кирувчи сифат туркумига мансуб ақлли лексема-сидаги маъно тараққиёти ақлли маҳалла, ақлли уй, ақлли ҳокимият, ақлли тармоқлар, ақлли қурилмалар, ақлли Цунасима, ақлли эшик қўнғироқлари каби сўз бирикмаларининг ҳосил бўлишида намён бўлади ва тилда тайёр лисоний синтактик имконият – [И~О]=СБ ЛСҚининг нутқий воқеланиши натижаси ўлароқ [белги-предмет] маъноли янги нутқий ҳосилалар – янгилик бўёғига эга атов бирликлари юзага келганлигини тасдиқлайди.